

«ТАҚСИМ» МАЙДОНИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА МУНОСАБАТИМИЗ



Сўнгги кунларда Туркияда юз берган воқеаларга муносабатимиз ҳақда саволлар кўпаймоқда.

«Ўзюноснет» каби баъзи фитначи сайтлар бизнинг гўё «Тақсим» майдонидаги полиция муҳофазатчиларига хайрихоҳ эканимиз ҳақда ёлғонлар уйдирмоқда.

Бу мавзуда бир-икки оғиз сўз айтишни лозим кўрдик.

Туркия бугунларда секуляризм

диктатидан эркинроқ бир жамият сари ҳаракат этаркан, муҳим бир тархий босқичдан кечмоқда.

Аслида, «Тақсим» майдонидаги намойишчилар қарши чиқаётган «Эрдўғон авторитаризми» замирида Т.Эрдўғон партиясини 10 йил аввал бош кўтаришга мажбур этган демократик диктатуранинг гени ётибди.

Бу парадокс эмас, изчилликдир. Хатто буни жамиятнинг тараққиёт дилектикаси дейиш ҳам мумкин.

Биз бу воқеаларни мавжуд демократик жамиятда нормал ҳодиса ўлароқ баҳолаймиз.

Биз на Туркия сиёсий режими-га, на унинг муҳолифларига на қарши ва на-да тарафдоримиз.

Биз фақат адолатсизликнинг ҳар қандай турига — ким тарафдан келса келсин — қаршимиз.

Биз зўронликка — ким тарафидан келишидан қатъий назар — қаршимиз.

Агар полиция тинч намойишчиларга зўронлик қилса, биз мазлум тараф, «чопулжилар» тарафидамиз.

Агар «чопулжилар» «озодлик» байроғи остида машиналарга ўт қўйса, йўловчиларга ёнаётган бензин шишаларини отсалар, биз бу фитначиларнинг қаршисидамиз.

Туркия дунёнинг энг демократик ўлкасидир. Ва ўша «энг демократиклик» бадалини тўламоқда бугун.

Туркияда кечаётган воқеалар бизнинг бу ердаги мавжудиятимизга у ёки бу шаклда таъсир қилмайди.

Биз ҳукумат каби, унинг муҳолифларига ҳам боқиманда эмасмиз. Биз бу ўлкада муҳожирлармиз, меҳмонмиз. Ва бу ердаги ҳатти-ҳаракатимиз ҳам шу мақомга мос шаклда бўлади албатта.

Муҳаммад СОЛИХ

АҚШ МУЛОЗИМИ И.КАРИМОВНИ ЁЛҒОНЧИГА ЧИҚАРДИ

Марказий Осиё осойишталиги учун асосий таҳдид ташқаридан эмас, ички муаммолардан келади. АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси Роберт Блейк Вашингтонда ўтказилган халқаро анжуманда ана шундай мулоҳаза билдирди.

Жума кунини яқунланган халқаро анжуманда Марказий Осиё хавфсизлиги ва барқарорлиги у ерда инсон ҳуқуқлари, демократия ҳамда иқтисодий эркинликларга оид муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ экани таъкидланди.

2014 йилда Афғонистондаги жанговар ҳаракатларнинг расман тугатилиб, НАТО кучларининг мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши ортидан минтақада экстремистлар яна бош кўтариши ва хавфсизликка таҳдидлар кучайиши борасида хавотирлар илгари суриб келинарди.

Вашингтондаги анжуманда сўз олган АҚШ Давлат котибининг ёр-

дамчиси Роберт Блейк бу хавотирлар ўринсиз эканини қайд этди.

Жаноб Блейк фикрича, Афғонистон шимолида фаолият доирасини кенгайтиришга уринаётган Ўзбекистон Исломий Ҳаракати каби курулли гуруҳлар таркибида ўнлаб, балки юзлаб аскар бўлиши мумкин, лекин минглаб эмас.

- Уларнинг зўрон мафқурасини Марказий Осиёдаги аксарият аҳоли рад этиши тайин. Марказий Осиё учун асосий муаммо демократия ва сўз эркинлигига қўйилган чекловлар билан боғлиқ ички муаммолардир. Ҳукуматлар экстремизмга қарши курашда инсон ҳуқуқлари ва қонун устиворлиги тамойилларига зид усуллардан фойдаланиши минтақада узоқ муддатли барқарорликни хавф остига қўяди, — деди Блейк.

Эслатиб ўтамиз, Блейкнинг бу баёноти, Афғонистондан НАТО кучларининг чиқарилиш ортидан минтақада, хусусан Ўзбекистонга



нисбатан исломий курулли гуруҳларнинг ҳужум қилишидан бонг уриб келаётган И.Каримовнинг ваҳимасини чиппакака чиқаради. Блейк баёнотидан чиқадиган яна бир хулоса шуки, мабодо минтақада, хусусан Ўзбекистонда барқарорликка бирор хавф бўладиган бўлса, бунга сабаб фақат ҳукуматларнинг (И.Каримов ҳукумати биринчи навбатда) ўз фуқаролари ҳақ ва ҳуқуқлари оёқ ости этувчи репрессив сиёсати бўлади.

ЎХХ хабар маркази

АДОЛАТ УЧУН БИР ҚАДАМ ТАШЛАЙЛИК

Зулм ва адолат ҳамиша бири бири ила курашиб келадиган ҳодисалардир. Ҳамиша зулм бўлган ва ҳамиша адолат бўлган, ҳамиша кураш бўлажак. Ҳеч қачон абадий адолат бўлмайди ва шу ўринда зулм ҳам абадий бўлмайди.

Адалат истаб одамлар бир қадам ташламас экан зулм ҳамиша пешқадамдир азизлар! Ҳамиша ҳар иш илк қадамдан, илк журъатдан бошланажак, биз учун қадам маъноси бу адолат маъносидир.

Адолат учун бир қадам ташлаш энди амалиётларда акс этиши лозим. Ўз ҳақ ҳуқуқларимизни талаб этиш ёки ҳимоя этиш баробарида энди аста-аста ҳар ҳил намойиш ва чиқишларни кўпайтириш лозим.

Кичик-кичик намойишлар ҳукумат учун ҳафвли эмас ва улар тезда бартараф этилади, айнан мана шундай иш бизни тажриба ва қадам ташлашга ўргатади.

Ёш чақалоқ ҳам оёққа туриши учун олдин эмаклашни ўрганади аммо унинг ривожланиши давомида оёққа қандай туришини кўради. Бизнинг фаолиятимиз ҳам шундай бўлишига қисман киёсласак аста оёққа тура оламиз.

Одамлар асло қадам ташлашдан кўрмасликлари, қайтанга бунинг қанчалар муҳим эканини англашлари керак.

Аввало маҳаллаларимиздаги турли ҳил этилмайётган муаммоларни кичик пикетлар орқали намойиш этиб чиқиш лозим.

Мардикорлик муаммоларини кўтариб чиқиш лозим. Асталик билан порахўрлик ва бошқа масалаларни уюштиб кичик кичик гуруҳлар кўринишида номойишга чиқиш лозим

Бу ҳолатлар иш бермайди деб асло ўйламаслик керак, бу ишлар бугун натижа бермас аммо эртага албатта натижа беради, чунки мана шундай кичик ишлар бизларни илк қадамлар ташлашга ўргатади, бундай ишлар албатта бошқаларни ҳам мана шундай қадам ташлай олишга ўртак, намуна ва журъат бўлади. Бугун одамлар ҳеч бир қадам ташланмас кунда қадам ташлаш нима эканини тасаввур этишмас балки, аммо биз бугундан қадам ташлай олсак эртага югура оламиз ҳам.

Ҳукуматга турли мактуб ва билдиришнома, арзномалар ёзиш бефойда эканини жуда ҳам теран англашимиз лозим. Президент Девонхонаси бизнинг арзий мактубларимизни ҳал этиш учун ҳизмат этмайди балки уларни йўқ қилиш билан масъул ва машғулдир.

Биз ўз муҳолифлигимизни, низоларимизни, талабларимизни фақат шундай оммавий чиқишлар орқали билдира оламиз. Намойишлар бизнинг Давлатга этиб борадиган тилимиз ва сўзимиздир.

Хайдовчилар учун бўлаётган катта муаммолар бор, тадбиркорлар учун қанча тўсиқлар бор, пенсионерларимиз, болали нафақахўрлар, ночор мухтож



оилаларимиз учун қанча муаммолар бор, қишлоқларимиздаги ахволни кўрсак қанча ҳал этилмайётган муаммолар бор мана шундай халқ учун ҳал этилиши зарур бўлган аммо Давлат учун бир четта ётган муаммоларни намойишларга чиқиб ҳал этишга ўрганайлик. Мана шу биринчи қадам бўлади адолат учун курашининг.

Ҳеч қачон ҳеч қандай қадам босмасак қулдан қандай фаркланамиз? бизга қилинаётган зулмга қандай курашамиз? Бу юрт фақат ҳукуматники эмаску биз индамасдан яшайверамизми?

Турли пикет, намойиш, митинглар одамларни журъатли қилади, талаб қилишни ўргатади. Кичик қадам босишларимиз келажакда катта муаммоларни ҳал этишимизда дадил қадам ташлай олишимиз учун бир босқич бўлади.

Адолат учун бир қадам ташлайлик зеро зулм - қадам ташловчилар олдида ожиздир.

Адолатга бир қадам гуруҳи

Бозорда эркаклар пайпоғини сотиб ўтирган киши ёнига яқинлашдим, ювганда ранги чиқиб кетмайдими, деган саволимга “Агар қиқиб кетса, топган пулим ҳаром бўлсин, берган пулингизни боламнинг ўлигига ишлатай”, деди. Дарҳол уч жуфт пайпоқ сотиб олдим.

Ҳар гал пайпоқни юваётганимда қоп-қора ранг гуё пайпоқдан эмас, менинг сим-сиёҳ дилимдан оқаётгандек титрашга тушаман. Нега ўша саволни бердим, нега уни қасам ичишга мажбур этдим дея.

Шўро даврида ёғи олинган сутни чўчқаларга жўнатишган. Чўчқабоқлар ёғсиз сут чўчқаларнинг ошқозонини бузади(!), дея уни ичирмай, сувга оқишишган. Ҳар гал чақалоғимга сут олгани уйдан чиқар эканман, шўро даврининг чўчқаларига ҳавасим келади.

Мен Фридрих Ницшени ёмон кўраман, лекин унинг бир фикрига кўшиламан “Одамлардан қоч! Тоққа, бўриларга!” дейди у.

Аллоҳ таоло Қуръонда: “Асрга қасамки, инсон зиён-заҳмат ичидадир” дея марҳамат этади. Бозорни мен зиён-заҳмат бало, офат кўпириб турган денгизга ўхшатаман. Агар бозорга киришдан аввал, бозорга киришда ўқиладиган дуони ўқимасам, албатта алданаман, ўша денгизга чўкаётганга ўхшайвераман.

ЮРАГИМИЗ НЕЧТА?

Шунда тоққа, бўриларга қочгим келиб қолади, бўриларни соғинаман. Зикр Билан қуролланиб, сўнг шайтоннинг масжидига кирганимда эса, зирҳим ила ҳар қандай балодан омон чиқаман. Зикрни унутган, зирҳсиз кечаётган кунларимиз гуё Юнус алайҳиссаломни ютган балиқнинг қорнидек тор ва зулматлидир. Зеро, Юнус алайҳиссалом зикр ила у қоринни саройга айлантирган эдилар.

Яна бошларимиз нафс отлик зулмкорга ҳадя бўлиб кетаётганидан хавфдаман, гуё Закариё алайҳиссаломнинг боши Бани Исроил золимларига ҳадя этилгани каби.

Кўнгиллар бир-бирин севмас ҳолатдамиз, дил сиёҳ рангида Фиръавннинг соқоли мисол (Илк соқолини қорага бўяган инсон Фиръавн эди. “Соқолларингизни қорага бўяманг, у жаҳаннамнинг рангидир”, дея марҳамат этган эдилар Расуллуллоҳ с.а.в.). Кўчага чиқишим билан ерга қарайман, ерга ачиниб кетаман, чунки ҳамма унинг юзига тупурган.

Қаёққа қарай?! Қуёшга қараб бўлмасам... Мўминларнинг қалбидаги нурнинг саксон мингдан бир бўлагига эга ўша қуёш ҳам фақат оламни ёритар, бизнинг сим-сиёҳ дилларимизни ёрита билмас.

Одатда ОИТС (СПИД) деганда ҳаммани ваҳм қоплайди. Аслида унинг давоси бор. У орттирилган иммунитет танқислиги, аммо туғма, азалий, мийсоқдаёқ орттирилган иммунитет танқислиги номли бир хасталик бор. Инсониятда ўша иммунитетнинг пасайиши ёки йўқлиги хавфлироқ. У—иймон иммунитет.

Бишри Хофий ҳазратлари “Ўлимнинг давоси бор, у иймондир” деганлар. Ўлимгача бўлган касалликларнинг давоси ҳам шу. Чунки у оғриқларга, чинқириқларга, санчиқларга, тигларга қаршилик кўрсатади, қийинчиликларга сабр қилади, курашади. Ундан кучлироқ, курашувчанроқ бошқа иммунитетни билмайман.

Нафақат иммунитет, юракларимиздаги оташ тафти ҳам Иброҳим алайҳиссаломни ёндирмоққа ожиз олов мисоли сунт.

Рицарни бўса олмоққа чорлаган маликага рицар: “Менинг юрагим битта, уни парчалашни истамайман”, дея жавоб берган эди.

Дунё ҳар дақиқада бетакрор хусн ва фусунга моликлиги ила бизни бўса олмоққа чорлайверади, биз эса “лаббай” дея унинг қақирғи ва чанқоғига жавоб бераверамиз, бераверамиз...

ЮРАГИМИЗ НЕЧТА?!

Муаййада Шукур қизи

Ўзим туғилган Тўртқўл туман, Шўроҳон қишлоғида 1966 йили ўрта мактабни битирганман. Тошкентда уч йил яшаб, 1969 йили Ленинград политехника институтининг 1-курс талабаси бўлдим. Мазкур институтни муваффақиятли тамомлагач, Ленинграддаги (Санкт-Петербург) “Кировский завод” ишлаб чиқариш бирлашмасига, ёш мутахасис сифатида, ишга йўлланма беришган. Мен ушбу заводда 9 йил инженер-конструктор лавозимида меҳнат қилдим.

Таржимаи ҳолимдан бу лавҳаларни айтиётганимнинг бойиси тил билишлик улуг бир неъмат эканини ўқувчилар билан яна бир бор баҳслашишдир.

Мен вояга етган Шўроҳон қишлоғи Ленинград шаҳридан ҳар томонлама узоқда жойлашган. Ҳаёт тарзини ғарб мезони билан ўлчаётган Ленинград шаҳри ёшларининг ҳаётий кўз карашлари ҳам Шўроҳон қишлоғи аҳлининг маданиятдан узоқда эди. Мен кўникишим керак бўлган жамият аъзолари кўнгил хушловчи чиройли ва тўкин хётни яшашнинг асосий мақсади деб тушунишарди. Шўроҳон қишлоғи аҳли эса бориға шукур қилиб, ҳалол лўкма билан оила боқишни ҳаёт мазмуни, деб тушунишар эди.

Менинг дунё карашимнинг кенгайишига ва ижтимоий тушунчаларимнинг шаклланишига Ленинграднинг кўнгил очар маканлари ёки гастрономлардаги тўкинлик сабабчи бўлмаган. Балки рус тили, рус миллати ва уларнинг бошқа миллатларга бўлган муносабатлари сабабчи бўлган.

Рус миллати идеологияси бу халқни дунёда энг улуг, энг ақлли ва энг кучли халқ каби шовинистик тушунчалардан иборатдир. Рус миллатининг онгига барча миллатларга етакчилик қилиш сифати мафкурачилари томонидан қаттиқ сингдирилган. Шунинг учун ҳам рус миллатининг бугунги фалсафий, ахлоқий тушунчаларидан ва Россия ОАВ хабарларидан келиб чиқиб, дунёдаги сиёсий вазиятларга тўғри баҳо бериш жуда мушкулдир.

Ўзбекистондаги, жумладан Тошкент шаҳридаги кўпгина корхоналарда рус ва русий забон миллатлар ишлайдилар. Мен ўз касбимнинг характери бўйича русий забон кадрлар билан кўп ишлаганман. Ҳар доим ўзаро муносабатларимизда ўзбек миллати рус халқисиз ҳеч бир иш қила олмаслигини, ўзбекнинг қорни тўқлиги, осойиши, фаровонлиги рус халқининг борлиги туфайли экани ҳеч нарсдан ва ҳеч кимдан тортинмасдан бизга тушунтирилди.

Ўзбекларнинг ва Ўрта Осиё миллатларининг маданиятсизлиги, фикрлашда жоҳиллиги, замонавий технологиянинг биз учун хос эмаслиги суҳбатларнинг асосий мавзусини эгаллаган ва эгаллапти.

Нима учун, рус ва русий забон миллатлари бу қадар шовинизм тушунчаларига мубғало бўлиб қолганлар? Сабаби бу миллатларнинг ақсарият қисми рус тилидан бошқа тилда фикрлай олмайдилар. Дунёнинг бебаҳо илм дурдоналари шарқ ва ғарб алломалар тилида ёзилган. Рус шовинизми рус миллатини бу дурдоналардан фойда ланишларидан маҳрум қилди. Олдий ўрисни оддий ўзбек билан кўчада ва тўй маъракаларда ўзбекча гаплашишдан маҳрум қилди.

Коммунизм даврида элимизга келтирилган рус ва русий забон миллатлари фақат СССРнинг шовинизм идеологияси

ЯНА ТИЛ ҲАҚИДА

таъсирида яшаганлар. Улар ўзларининг бу ердаги миссиясини Ўзбекистонни ва ўзбек миллатини қолоқликдан чиқариш билан таърифлаганлар. Агар ҳозир ва келажакда русий забон миллатлар авлодларининг ўзбек тилига бўлган муносабатлари ўзгармаса, натижа аждодлариники билан баробар бўлиб қолаверади.

Рус шовинизми тушунчаларни фақат рус тилида таҳлил қилади. Шунинг учун ҳам рус миллатидан бошқа ҳеч бир миллат рус шовинизми “илмини” ўрганмайдилар. Биздаги шовинизм “назарияси” ўзбек миллатини ҳар томонлама “отсталый” деб баҳолаганлиги сабабли, бизнинг тилимизни ўрганиш рус миллати учун аҳамиятсиз бир нарса бўлиб қолапти.

Тил миллат қалбининг кўпиригидир. Миллатни тушуниш учун ва миллатнинг қалбига кириш учун у миллат билан унинг тилида гаплашиш зарур. Бугунги кунда ҳам рус ва русий забон миллатлар ўзбек тилида оддий мазмунни ифода қилиша олмайди. Улуғ алломаларимиз шаънига, буюк тарихимизга, қадимий маданиятимизга ва динимизга қисқагина қилиб, “бу тарихий тасодиф” деб баҳо бераётдилар. Бу факт эл ичида яшаб, эл тилини менсимаслик фожеасидир.

Бундай муносабат тасодифан пайдо бўлиб, вояга етиб ва ниҳоят ҳақли равишда тарих ахлатхонасига тўқилган коммунизм идеясининг жамиятимизда қолдирган фожеасидир. Диёримизда улуг тарихимиз давомида, Ислому таълимотиға асосланиб, динни бирламчи, миллатни иккиламчи, деб ҳисоблаган миллатимиз, бошқа миллатлар вакиллари билан асрлар оша ёнма-ён яшаб келаверган. Бундан кейин ҳам яшаб кетаверадилар.

Ўзбекистон конституциясининг 90-моддасида президентликка “ўзбек тилини биладиган”... Ўзбекистон фуқароси сайланиши лозим, деган жумла бор. Ўзбек тилини билиш бошқарувда, ўзбек миллатининг тарихини ўрганишда, руҳиятини тушунишда, жамият муаммоларини ечишда ва умуминсоний кадриятларни миллат имкониятлари билан мувофиқлаштиришда хато-камчиликка йўл қўймамаслик учун керакли фактор ҳисобланади.

Ноконуний президент Қаримов ўз амали фалияти давомида ўзбек тилини ўрганишга ҳаракат қилган. Лекин мукамал ўрганаолмаган. Рус тилини ва рус қалбини тушунишда русларга ўрناк бўладиган Қаримов ўзбеклигимизни Ўзбекистон сиёсатиға тадбиқ этмаганлиги ва этаолмаслиги аниқ эди. У ўзининг шахсий фикрлашлари асосида қурилган режим қондалари билан мамлакатни бошқарди. У ўзбекчилик ва миллийлик элементлари билан асло ҳисоблашмади.

Бугун Ўзбекистон сиёсий аренасига президентнинг қизи Г.Қаримова кириб келаяпти. Бу хонимнинг маънавий ва сиёсий бағажида нималар бор эканиға бир назар ташлайлик. Мен бу хоним шахсиятининг ахлоқий томониға тўхталмоқчи эмасман. У кишининг ўзбек тилини билмаслиги мени жуда ташвишға солаяпти. Ўзбек яна бир 20 йил ўзининг ўзбекчилиға қайтмас эканда, деган ташвиш мени қийнаяпти. Нега-ки, агар Қаримов қизининг президент бўлишиға ўзи бошчилик қиладиган бўлса, қизи президент бўладигандай кўринаяпти менға.



Фикрлашида бетайин, амалий ишларида ўзбошимча бўлган бу хоним халққа нима қилиб бериши мумкин? Давлат бошқарувидаги сиёсий, иқтисодий, молиявий ва технология масалаларида унинг бирор нарсани тушунишиға ишонгим келмаяпти. Маслаҳатчилари ўз соҳаларида унга кўмакчи бўлишлари мумкин.

Барибир амалий лойиҳани президент тасдиқлайди-ку. Асосий идеянинг фарқиға бормасдан тасдиқланган лойиҳа натижаси фақат порахўрлик ва қаллобик билан туғашини ҳаёт аллақачон исботлаган.

Ким бўлишидан қатъий назар бўлғуси президент ривожланишнинг асоси бўлмиш ўзбек миллатининг маънавий даражасини кўтариши керак бўлади.

Юқасак манавиятли элға мукамал жамият юзаға келади. Шундай жамият аъзолари эса буюк ишларға қодир бўладилар. Ўзбек тилиға тушунмайдиган Г.Қаримова ўзининг маънавий ва ахлоқий қиёфаси билан жамиятнинг юқсалишиға қандай ҳисса қўша олиши мумкин?

Ўзбек аёлларининг ҳаётида қадимдан шарм ҳаё қадрланган. Аёл киши эри, оила-си, жамият ва фарзандлари олдида ўз қадр қимматини ошириш учун либоси билан эркакларда шахвоний нафс уйғотадиган жойларини бекитиб юрган. Бу билан оила, шахс ва жамият бузқўчиликдан ҳимояланган.

Мутафаккир олимларимиз бизларға жамият манавияти юқсалишининг ибратли намуналарини ёзиб қолдирганлар. Бу маънавий бойлиқни тушуниш ва тушунтириш учун ўзбек тилини мукамал билмоқ даркор.

Дунёда Ислому дини ва маданияти ривожланаётган бир пайтда, давлат арбоблари бу маданий меросларимиздан, албатта хабардор бўлмоқлари зарур.

Жамиятимизнинг ривожланиш динамикаси миллатимизнинг ўз миллийлигини (ўзбекчиликни) қайта тиклаши билан боғлиқдир.

Бу машаққатли амал раҳбарлардан қатта билим ва ғайратни талаб қилади. Албатта, раҳбар миллат тилини мукамал билиши керак.

Қирқ ёшни қаршилаётган, шу пайтғача ўзбек тилида гапира олмаган, ўзбек тилиға мутлақо эътибор қилмаган ва рус тилини она тили қилиб қабул қилган, руҳан рус шовинизми билан суғорилган Г.Қаримова қандай қилиб ўзбек миллатининг қалбига кирмоқчи ва уни бошқармоқчи?

Ўзбек юртининг бошида туриш учун биринчи навбатда ўзбек тилини билиш шарт. Кейин эса, бу шахс албатта иймонли ва мард бўлиши керак.

Ана шундай маънавий хусусиятға эға бўлган ҳар бир инсон Ўзбекнинг юртиға бош бўла олиши мумкин.

**Джуманиёзов Нураддин,
ЭРК партияси аъзоси.**

Сўзбоши ўрнида

Бу китобчани икки йилдир ёзиб битира олмайман. Ҳар ҳолда битира олмасдан, шу ҳолида ўқувчилар билан баҳам кўрсам керак. Чунки инсонни инсоннинг тўлиқ таъриф этиши имконсиз эканлигини тушунганга ўхшайман. Шундай бўлса ҳам аввал инсон ҳақида Ҳақнинг далилларига суяниб, кейин ўз фикрларини айтишга журъат этдим:

**ИНСОН ҲАҚИДА ЎРГАНГАНЛАРИМ (1)**

Инсон- ақлли мавжудот дейишди, фақат бу энг жўн таърифдир. Қолаверса, инсон ҳар замон ҳам ақлли мавжудот бўла олмайди. Инсонлар ичида, ҳикматини Ўзи биледи, Аллоҳ ақлдан жудо қилганлари (жинилари) бўлгани каби, ақлини тўғри ишлатмайдиганлари ҳам анчагинадир.

Инсон дейилганда аввало кўз ўнгимизга унинг вужуди келади. Инсон вужуди қолган барча мавжудотлар ичида ҳақиқатдан ҳам энг мукаммалидир, аммо инсонни энг кам таъриф этадиган “қисми” ҳам унинг вужудидир...

Инсоннинг асоси руҳидир, дейиш тўғри бўлса керак. Зеро, руҳсиз инсон ўлик (мавт)дир. Мавт эса тупроққа топширилиб, кейин чиришга маҳкумдир. Руҳ ҳақида инсонга кўп илм берилмаган. Аммо шу маълумки, инсон руҳи унга, яъни инсон вужудига, ақлига, қалбига, нафсига жон, ҳаёт бағишлайди. Руҳнинг вазифаси мана шундан иборат. Руҳдан жон оладиган ақл, нафс, қалб ва вужуд (қисман) ўз қилмишлари учун масъул бўлади. Вужуд ўз бошича ҳаракат қила олмайди, унинг қилмиши аслида қалбнинг, нафснинг ва ақлнинг қилмиши ёки бу уч «аъзо» биргаликда қарор берган қилмишлардир. Шунга қарамасдан вужуд ҳам масъулдир, охирада аҳли жаҳаннамнинг териси алмаштириб турилади, дўзах азобини каттиқроқ чексин, деб. Қўллар ва оёқлар ўз эгаларига қарши гувоҳлик берадилар, оғизга эса муҳр урилади, шу билан тил ҳам охирада дунёдаги каби ёлғон сўзлай олмайди...

Аллоҳ таоло, “Шубҳасиз инсонни энг яхши суратда (шаклда) яратган, кейин уни (баъзиларини) пасткашликнинг энг паст даражасига туширган”, (Тийн сура-си 4 оят).

Инсонга мана шу ҳудудда баҳо берил-

са тўғри бўлади: бир томонда мукамаллик, бошқа томонда эса пасткашликнинг энг пасткашлиги...Инсоннинг қандай ҳолда эканлигини унинг тили, юзи (нури ёки нурсизлиги), кўзи (осуда ёки бесаранжом нигоҳлари) айтиб туради...

Инсоннинг қандай ҳолда эканлиги қалбининг ҳолига (тириклиги, салимлиги ёки тошдай, унданда багтар қаттиқлашганлиги), ақллилик даражасига (ақлини тўғри ишлатишлиги ёки ишлатмаслиги) ва нафсининг ҳоли (мутмаинлиги, амморалиги, лаввомалиги, яъни ўзини айблаши)га боғлиқдир.

Инсон вужуди 90 триллион хужайрадан иборат. Бу хужайраларнинг фақат сони эмас, улар фаолиятининг ўзаро мутаносиблиги ҳам инсоннинг мукамал яратилганига далилдир. Ишонини қийин, аммо шу 90 триллион хужайра бир бири билан тўқнашмасдан ва “жанжаллашмасдан” фаолият олиб борадилар. У ҳолда инсоннинг Яратувчиси, оламларнинг Парвардигори Аллоҳ таоло ҳеч шубҳасиз ҳар нарсага қодир ва улуғ Зотдир...

Инсон ёлғиз ҳолида анча тушунарли ва мулойим мавжудотдир, аммо ижтимоий муносабатлар доирасида инсон ҳақиқий маънода яхшилигини ёки ёмонлигини намоён қила бошлайди. Инсон аслида ҳам ижтимоий ҳаёт учун яратилгандир, чунки унинг ёлғиз яшашини тасаввур қилиш қийин, дейлик умрининг дастлабки 30 ёки 40 йилини ёлғизликда ўтказган инсонга (бундай ҳоллар инсоният тарихида учраган) ҳақиқий маънода инсон, дейиш нақадар тўғри бўлади? Ҳеч ким билан гаплашмаган, на яхшилик, на да ёмонлик қилмаган, муҳр муҳаббат кўрмаган ва кўрсатмаган, жабру жафо кўрмаган, ота онасини танимайдиган, бола чақаси, оиласи бўлмаган, севмаган, севилмаган, нафрат қилмаган ва

инсонлар ёмонлигидан ҳазар қилмаган, меҳнат қилиб роҳатини кўрмаган, зулмга учраб адолатни кўмсамаган бир “инсон” типидир...

Инсон таърифнинг энг асосийларидан бири унинг Абдусомад, яъни эҳтиёж соҳиби бўлишидир. Бу маънода инсон албатта мукамал ҳисобланмайди. Инсон ҳавога ҳам, сувга ҳам, таомга ҳам, кийим кечакка ҳам, ижтимоий муносабатларга ҳам муҳтождир. Бу муҳтожликлари инсонни ижтимоий ҳаётга ва бу ҳаётнинг саҳифалари бўлган оилага, мактабга, меҳнат майдонига, иқтисодга, сиёсатга, маданиятга, дину диёнатга етаклайди. Инсон ҳаётнинг бу саҳифаларига кириб келар экан, буни табиийлик ўрнида кўради, мен нега бу ердан, деб сўраб ўтирмайди...

Инсон иловаларга ҳам ташна ва муҳтождир. Масалан, инсонни исмсиз тасаввур қилиб бўлмайди, инсоннинг исми жисмига кийим кечадан ҳам кўра “ёпишиб” кетгандир. Шундай иловалардан бири замонамизнинг ижоди “паспортдир”. Бу замонда инсоннинг ўзидан кўра кўп ҳолларда унинг ёнида олиб юрадигани турли қозоғлари (гувоҳномалари) муҳимроқдир...

Инсонни аввал эҳтиёжлари ҳаракатга келтиради. Яъни, нафси уни қитиқлайди (старт беради) ва инсон ҳар куни нонуштага (ювиниб тарангандан кейин) ўтиради. Кейин яна нафсининг истакларига (бу истакларни қалб ва ақл қайта кўздан кечириши мумкин) жавобан кўчага, яъни мактабга, иш жойига, бозорга ёки саёҳатга отланади...

Демак, руҳ инсонга жон, ҳаёт беради. Шу шаклда инсоннинг вужуди, ақли, нафси ва қалби фаолиятга кечади. Дастлаб нафс ниманидир истаиди. Қалби тош каби қотган, ақли нафсининг қулига айланган “инсон”ларда нафснинг истаклари “қайта ишланмай”, хомлигича унинг фаолиятига асос бўлади. Қалби салим, ақли “албаб” ҳолида бўлган инсонларда ақл ва қалб нафснинг бу истакларини тафтиш қилади, нафснинг истаклари бу шаклда “арраланади ёки рандаланади...”. Кейин истак ниҳой шаклини олади ва инсон ҳақиқий инсон сифатида шахсий ва ижтимоий фаолиятга бошлайди...

Ассалому алайкум, эй қалби тирик ва ақли салим Инсон!

Намоз Нормўмин

ОЛМАЛИҚДА ҚАМА-ҚАМА..... БОШЛАНДИ

2013 йил 05 июнь куни Олмалиқ шаҳар жоме масжиди собиқ имоми Суннатилло Домла ва у билан бирга яна 7(етти) кишининг уйларида МХХ ходимлари томонидан тинтув ўтказилган ва ҳеч нарса топилмаган.

Шу куни жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди судьяси О.Ниғмонжонов томонидан юқоридаги 8 кишига, гуёки уларни майда ҳуқуқ бузарлик содир қилганлиги ҳақида айбланиб,

уларга 10 кунлик маъмурий қамок жазоси тайинланган.

Хозирда бу шахслар Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасида тергов қилинаётганлиги ҳақида таҳминлар қилинмоқда. Бу шахслар асосан тадбиркорлик билан шуғуланишган ва ҳар ойда йиғилишиб, “гап” еишган. Суннатилло Домла Олмалиқ шаҳрида оддий халқ орасида обр-эътиборга эга инсон ҳисобланади.

УХҲнинг Тошкентдаги Муҳбири



“Даракчи” газетасининг 2013 йил 29 май кунги сониди шундай факт келтирилган. “Ўзбекистонда ишсизлар сони 4,9 минг кишини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ривожланган Европа давлатларига нисбатан таққослаганда жуда ҳам кам кўрсаткичдир...”

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ҲАР УЙИДА ЎЗБЕК МАРДИКОРИ, ҲАР ИСЛОВАТХОНАСИДА – ЎЗБЕК АЁЛИ

Мен бу “ҳақиқат”нинг тагига етиш учун 27-31 май кунлари Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятида бўлдим. Бу вилоятнинг 85% аҳолиси ўзбек миллатига мансуб инсонлар экан. Чимкент вилояти худуди жиҳатидан жуда ҳам катта. Бу ерда хусусий ва давлат томонидан катта курилишлар амалга оширилмоқда. Чимкент вилояти Қозоғистоннинг саноати ва қишлоқ хўжалигига мослаштирилган регион ҳисобланар экан. У ерда асосан чорвачилик, йилкичилик, парандчилик кенг йўлга қўйилган. Чимкент вилояти “Сайрам” туманида Ўзбекистондан кўчиб борган ўзбек фуқароларига давлат томонидан ер ажратилган ва янги уйлар қурилмоқда. Бу уйларга яшашни истаган ҳар бир ўзбек ва қозоқ фуқароларига 30 йил давомида кредит берилмоқда. Қозоғистон банкларидан кредит олишда ҳеч қанақанги сунъий қозғозбозлик ва тўсиқлар йўқ. Сиз бугун банкдан кредит олиш учун, ариза билан муурожаат қилсангиз, эртаси куни кредитни олаверасиз. Кредит олган шахсдан кўп ҳужжатлар талаб қилинмайди. Энг қизиғи шунда-ки, банк ўз миқдордан “неча йилга кредитни узаоласиз? Сизнинг имкониятингизга қараб, биз Сиз айтган сумма ҳисобида кредит бериш учун, бизда ҳамма имкониятлар бор” деган савол берар экан. У ерда банк асосан миқдор учун хизмат қилади. Ўзбекистон банкларига ўхшаб, “миқдор банкка хизмат қилади” деган нарсаси йўқ. Кредитни қозоқ тенгеси ва бошқа валюта ҳисобида ҳам олишингиз мумкин. Қозоғистон шаҳар ва овулларида ҳар бир жойида хусусий ва давлат банклари мавжуд. Банкни ўзбек миқдорларига ўхшаб, қўриқлашмайди. У ерда эркинлик бор. Полиция Сизни беш кунгача Қозоғистон территориясида безовта қилмайди. Қонуний равишда беш кун ичида Қозоғистонда қолишингиз мумкин. Агар Сиз Қозоғистонга қолиб, “жумуш” яъни, иш учун қолмоқчи бўлсангиз. Унда марҳамат! Қозоғистонга ҳар икки ойда бир марта полиция идорасида қайтадан қонуний равишда рўйхатдан ўтиб туришингиз мумкин. Ўзбек миқдорларига ўхшаб, “прописка” талаб қилишмайди...

Қозоғистонда маҳаллий фуқаролар фарзандининг келажаги учун уй-жойлар қуришмоқда. Биз уларга, “Сиз нега айнан келажак ёшларига агаб, бугундан бошлаб уй-жойлар қурмоқдасизлар?” деб савол бердик. “Чунки, яқин келажакда яъни, 2050 йилларга бориб, Қозоғистонда яшаётган қозоқ фуқаролари уй-жой билан тўлиқ таъминланиши керак. Бунинг учун, мамлакат президенти томонидан 2050 йилгача дастурлар ишлаб чиқилган. Биз ёшларимизни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз.

Уларни ҳар томонлама етук ёшлар бўлиб етиши учун, ҳар томонлама кўмак беришга тайёрмиз. Ёшларимиз бизнинг келажак авлодимиз олдида турган ҳар хил муаммоларга дуч келиб қолганда, довираб қолмасликларига керак. Шунинг учун, ҳозирдан биз тайёр-

гарлик қурмоқдамиз...” дейди маҳаллий фуқаролардан бири.

Мен Қозоғистондаги ёш йигит-қизларни кўриб ҳавасим келди. Улар янги мактаб, коллеж ва университетларда таҳсил олмақдалар. У ерда дам олиш, турли саёҳатлари жуда ҳам кўп ташкил қилинган.

Қозоғистонда интернет ахборот олиш ва унда маълумот тарқатиш жуда кенг тарқалган. Интернетни чеклаш ва унга, “блок” қўйиш мамлакат қонунларида мутлақо таъқиқланади. Қозоғистоннинг ёш йигит-қизлари, Астана шаҳрига кетишмоқда. Астана шаҳрида ёшлар учун, жуда ҳам катта шарт-шароитлар яратилган. Мамлакат президенти Н.Назарбоев эса, яқин келажакда Қозоғистонни Астана шаҳрига тенглаша оладиган, мамлакатга айлантириш илнжида эканилиги маълум қилмоқда...

Бизнинг ёшлар эса, Қозоғистоннинг дала ва чўлларида ялангоёқ лой қориб, қўлида кетмон хизмат қилмоқдалар. Бир бурда нон топиш учун, ҳақоратомуз гап-сўзларини эшитса-да, қўшни давлатнинг келажаги учун, жавлон уриб меҳнат қилмоқдалар.

Қозоғистоннинг деярли ҳар бир хонадонидида ўзбек мардикор йигитлари бор. Ҳар бир ишратхонада ўз танасини сотиб кун кўраётган 16-23 ёшдаги ўзбек қизлари бор. Бу ўзбек миллатини батамом йўқ қилишнинг бирдан-бир “усули”дир. Агар Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида яшаб шу ҳолатда давом этаверса, яқин келажакда ўзбеклар ер юзидан йўқ бўлиб кетишлари мумкин.

Мен Ўзбекистондан борганларнинг кўплари билан суҳбатлашдим. Улар асосан, 17-23 ёшдаги йигит-қизларимиз. Мен уларга турли-хил мавзуларда саволлар бердим.

Сизни Қозоғистонга келиб, хизмат қилишингизга нима сабаб бўлмоқда?

Сиз “Ўзбекистон келажаги буюқ давлат” деб аталмиш мамлакатнинг фарзандларисиз, Мустақил Ўзбекистон ёшлари кулликка бир умр тобеъми?

Каримовлар оиласи Сизнинг аҳволингиздан хабари борми?

Сиз келажакда Ўзбекистонни шу аҳволда давом этишини хоҳлайсизми?

Ўзбекистон ҳукумати нега ўзининг фуқаролари учун қайғурмайди?

Қозоғистон қайси томонлари билан Ўзбекистондан фарқ қилади? каби саволлар эди.

Кўп ёшларимиз Қозоғистонга келишининг асосий сабаби иқтисодий ночор қолганлиги тўғрисида экани, ишсизлик муаммоси ҳақида гапиришди.

Ҳукуматимиз томонидан берилётган энг кам ойлик маоши, 79 минг 800 сўмга яшаб бўладими?! Болалар ва пенсия нафақа ёшидаги ва 16 ёшгача бўлган ой-



лик маошлари билан, Ўзбекистонда яшаш ўлим билан баробардир. Ўзбекистондан, Россия ва Қозоғистонга хизмат қилаётган фуқаролар сони 10 миллионга етди. Масалан, 2012 йил якуни бўйича, Ўзбекистонга 6 миллиарддан зиёд АҚШ доллари ҳисобида маблағ келиб тушган эди.

2013 йилнинг 6 ойидаёқ шу кўрсаткич. Бу нима дегани? Бу-Ўзбекистондан, Россия ва Қозоғистонга яна икки баробар ўзбек фуқароси чиқиб кетаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўзбекистон ҳукумати бундан яхши хабардор. Чунки, Ўзбекистон ўзининг маҳаллий бюджетини мана шу кўрсаткичлар билан нақд пул тушумини кўрсатмоқда. Маҳаллий фуқароларимизнинг четдан Ўзбекистонга олиб келаятган валюта ҳисобидан иқтисодни кўтармоқда, десак хато бўлмайди. Чунки, Ўзбекистонда ишлаб-чиқариш йўқ. Мамлакат саноати мутлоқо издан чиққан. Фуқароларимиз яхши тушуниб етдики, Ўзбекистон яқин келажакда ўз фуқароларини боқолмаслиги маълум бўлди. Негадир ўзбек фуқароларимиз бунинг яхши билишсалар-да, лоқайдлик ҳамин қадар. Уни биргина сўз билан таърифлаш ва тасвирлаш қийин...

Ўзбекистон ҳукумати ва унинг атрофида порохўрлик йилдан-йил авж олган. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан ночор мамлакатлар сафига қўшилганига ҳам, мана анча йиллар бўлиб қолди. Каримов бунинг тушуниб етганига ҳам 23 йил бўлди. Каримов бу ҳолатни яхши билса-да, Ўзбекистон иқтисодини ёлгонлар билан тўлдирмоқда дейишга бизда тўла асослар бор. Чунки, ҳалқ билан давлат ўртасида катта жарлик мавжуд. Каримов ҳалқ билан ҳисоблашмай қўйганига ҳам 23 йил тўлди. Ҳалқ ўз йўлида. Каримов эса, ўз дунёси билан овора...

Қозоғистон Ўзбекистонга нисбатан жуда катта фарқ қилади. Биринчидан: Унинг иқтисоди йилдан-йилга ривожланмоқда. Масалан, унинг ўзбек сўмига нисбатан тенгеси қиймати баланд. (Қозоқ минг тенгеси ўзбекистоннинг 18 минг 500 сўмини ташкил этмоқда). Қозоғистон гарчи кўп мамлакатлардан катта миқдорда, 255 миллиард доллари ҳисобида қарз бўлса-да, ўзининг келажак-гине ҳозирдан қуруб, ишлаб-чиқаришни кенг ривожлантирмоқда. Ишлаб-чиқариш орқали, ўзининг маҳсулотлари эвазига, аста-секинлик билан қарзларни узмоқда.

Иккинчидан: Қозоғистонда маҳаллий фуқаролар ўртасида Ўзбекистонга нисбатан норозилик кайфияти йўқ. У ерда газ, сув, электр энергияси киши ва ёз ойларида тўлиқ таъминланган. Бу масала юзасидан ҳеч қанақанги мумаммони кўрмайсиз ва учратмайсиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ҲАР УЙИДА ЎЗБЕК МАРДИКОРИ, ҲАР ИСЛОВАТХОНАСИДА – ЎЗБЕК АЁЛИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Учинчидан: Ўзбекистон гарчи ер усти ва ер ости бойликларига бой бўлса-да, бу бойликлар ҳар бир ўзбек фуқаросининг бахти-саодати учун хизмат қилмайди. Бу бойликларнинг барчаси Каримовлар оиласига тегишли. Ўзбек миллати қашшоқдир. Қозоғистон Республикаси эса, бойлик жихатидан

Ўзбекистонга нисбатан кам бўлса-да, бу ерда фуқаролари жуда ҳам бойдирлар. Масалан, бир фуқаронинг ўзида 1000 дан ошиқ бокиладиган қорамол борлигини гувоҳи бўлдик. Бу молларнинг бирини 1 миллион тенгга сотгани ўз кўзимиз билан кўрдик. 1 миллион козоқ тенгеси 6 минг 600 АҚШ долларини ташкил этади. Қозоқ фуқаролари асосан чет эл-

ларда ишлаб-чиқарилган, “иномарка” машиналарни минишади. Бизнинг Асакада ишлаб-чиқарилган автомобилларни камдан-кам учратиш мумкин...

Хуллас калом, Қозоғистон Марказий Осиёда энг ривожланган мамлакатга айланмоқда десак хато бўлмайди. Чунки, Қозоғистон яқин йиллар ичида, ўзининг иқтисодини ривожланган, Америка ва Европа мамлакатлари орасида кўриш учун курашмоқда...

Фахриддин Тиллаев



АНДИЖОННИ ХОТИРЛАБ

Шундай бўлиши ҳам мумкин эди...

(Азизлар! Бу мақоламиз ҳозирги кунда бир тўқима ҳикоядек кўринар, аммо биз учун Андижонни хотирлаш шарафлидир)

Бу иш савдогарларнинг жасорати ила бошланди. Зулмиятнинг мисли кўрилмаган даражада узоқ давом этиши натижасида савдогарларда кураш учун жасорат уйғонди.

Бундай иш бир савдогарни маҳаллий зодагонлар тинимсиз талашларидан тўйиб, у ўзини ёқиб юборишидан бошланди. Бу иш ортидан савдогарлар бош кўтардилар, ҳокимият олдида эр-талабдан жам бўлган бир гуруҳ одам, пешинга келиб катта оламонга айланиб кетди. Тез орада жамоатчилик талаби катта халқ низосига айланди.

Ҳокимият олдида олдинга ўз ҳақ ва ҳуқуқларини талаб этаётган оламон, кейин ҳокимлик идорасига бостириб кира бошлади. Жуда тез фурсатда бутун бино эгаллаб олинди.

Куч ишлатар тизим ходимлари оммавий тарзда оламонни бостириш учун бор кучларини сарфлашга уринишарди, аммо улар бу ишни уддалай олишмадилар.

Махсус кўшимча ҳукумат кучлари етиб келди ва энди улар оддий фуқарога нисбатан аёвсизларча куч ишлата бошладилар, лекин савдогарлар гўёки бундай зулмдан ҳеч вақт кўрқмаганлар, зеро улар узоқ йиллар давомида кўрган чексиз зулмлари олдида бу ҳеч нарса эмасдек эди.

Оламон сони 10 мингдан ошиб кетди ва жуда тез суръатда ошиб боришда ҳам давом этаётганди. Зулм билан бир қаторда дунё ва техникан ҳам кўрган бу савдогарлар мана бу зулм кунини ҳақиқатини ҳамма билиши учун ҳам тадбир қилдилар. Бўлаётган ҳар бир ҳаракат тасвирга олиниб шу захоти интернет орқали бутун дунёга тарқатиларди.

Одамлар тўғридан тўғри бўлаётган зулмни ва адолатни талаб этаётганлар қисматини кузатиб турдилар.

Жамоатчиликнинг бу ҳатти ҳаракатлари назоратдан чиқиб, оммавий кўзғолон кўринишига келишидан ҳадиксираб қолган ҳукумат ўз фуқароларига қарата ўқ отишни тўғри йўл деб билди. Кечки 17:00 — 17:20 лар чамаси оламонга нисбатан ваҳшийларча қатлиом бошланди. Одамларни аёвсиз отдилар. Улар шаҳар бўйлаб қочарди. 19:30 ларгача давом этган бу ўлим санасида мингдан ошиқ инсоннинг ёстиги қуриди.

Шаҳарда ҳарбий ҳолат эълон қилиниб, дарров гумондорларни қамаш ишлари бошланди.

Шу алфозда 6 кун ўтдики, шаҳар бир қабристондек кўрина бошлади.

Тажрибали тасвирчиларимизнинг, мухбирларимизнинг, қолаверса ҳаваскор сураткашларнинг тармоқларда жойлаштиришга улгурган қонли тасвирларини одамлар кўришга ҳам улгурди.

Тез орада барча интернет тармоқларига тўсиқ қўйила бошланди. Телевидения, ҳамда радио фаолиятлари тўхтатиб қўйилди. Телефон алоқаси ишдан чиқарилди, шаҳарга кириш ва чиқиш ҳам тақиқланди.

Одамлар ўта тушкунлик ва иложсизликда қолгандилар. Оммавий қатлиомнинг 7 — кун шундай хабар келдики, халқнинг шуурида яна бир умид чироғи ёнди. Андижонда бошланган оммавий адолат учун курашдан 7 кун ўтиб Фарғона, ҳамда Наманганда ҳам кураш бошланиб кетди. Бу хабар ҳаммани яна курашга бошлаб юборди. Андижон халқи қўл қовуштириб ўтириш билан зулмни енгиб бўлмаслигини англаб етиб, мардларча яна кўчаларга чиқдилар. Бу сафар нафақат савдогарлар, балки ўқитувчилар, ҳунармандлар, мардикорлар, хайдовчилар, ишчилар, ҳатто қариялар ва ногиронлар, ёш болалар ҳам кўчаларни тўлдирдишди. Халқ қаршисида эса давлат ходимлари, ҳамда саноклик мансабдорлар қолди холос. Буни қаранки, илохий куч бор эди. Андижон халқи энди олға юрди, улар бир бирларига жипс бўлиб, бир бирларининг билакларини билакларига бирлаштириб бир занжир бўлиб кетардилар. Мана бу бир илохий бирлашиш эди.

Оламоннинг занжир бўлиб ўз кўксини озодлик йўлида қалқон қилиб келаётганларини аскарлар кўриб баданлари титради, эл орасидаги гўдакларни кўрқмай қадам босиб

кўзларида ёш ва бақирқлар билан келишлари ҳаммаларини этларинида титратиб юборди.

Аскарлар бир неча бор осмонга қарата ўт очишди, огохлантиришди, аммо халқ тўхтамади.

Аскарларнинг қанчалари бунга чидай олмай йиғлашарди, улар яқинлашиб келаётган ўз жигарларига бақириб йиғлашарди: «илтимос тўхтанглар!».

Аскарлар кўзлари қонга, ёшга тўлди. Бирин-кетин қуролларини тушира бошлашди. Уларга отишга буйруқ бераётган командирлари уларни ўзларини ҳам ўққа тутишга буюрди.

Ўртада қонли отишма бошланди. Аскарлар аскарлар билан, аскарлар халқ билан. Ҳукумат кучлари энгила бошлади. Ўша кун Андижон халқи ғолиб эди, ўша кун Андижон халқи гурури шахид эди.

Оламоннинг бу иши бошқа вилоятларда ҳам бошланиб кетди. Буни қаранг, бутун халқ зулмга қарши ўзига куч топа олмай лидерни кутган экан, лидер эса Андижон халқи эди.

Тез орада телевидения биноси эгаллаб олиниб, бошқа вилоятларга адолат учун кураш бошланганидан хабар бериб борилди.

Бир hafta ичида адолат учун кураш Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухорода ҳам жадаллашиб кетди. Энди халқ орасига ҳукумат кучлари ҳам қўшилб кета бошлади. Шунча йилдан бери зулм ичра яшаётган ходимлар энди ўша зулмга қарши кураша бошладилар.

Андижонда бошланган бу кураш бир ой давомида бутун ўлкага тарқалганди.

Бирин-кетин ҳукумат идоралари эгаллаб олина бошланди. Ҳукуматнинг зулм ишлатишдан бошқа тактикаси йўқ эди. Мана шунинг учун зулмдан заррача кўрмаган, ўз кўксини тутиб адолат учун қадам босган халқ озод бўлиш оstonасига етиб келай деганди.

Кўп вақт ўтмади, тез орада расмий Тошкент низолар орасида қолди ва халқ томонидан эгаллаб олинди. Қувонарли ҳолатлардан бири, зиндонлардан мазлум ва мазлумалар озод этиларди.

Бундай ҳолатдан ҳукумат тарафдорлари бирин-кетин халқни паноҳини истаб қола бошладилар ва халқ тарафини олқишлашга ўтдилар. Ҳукумат шу алфозда тугатилди, буюк зулм диктатураси мангу рихлат топди.

Адолатли сайловлар яқун топди, юрта халқларвар Бош бўлди. Йўқолсин Диктатура! Яшасин эркин, ҳуқуқий, фуқаровий жамият!

ИИМОН МУФАССАЛ

ГУЛНОРА КАРИМОВА “LE POINT” ЖУРНАЛИДА ЯРИМ-ЯЛАНҒОЧ НАМОЁН БЎЛДИ



Францияда чиқадиган “Le Point” журнали эълон қилган Ўзбекистон президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримова ҳақидаги мақолага унинг 2011 йилдаги кечаларнинг бирида олинган ярим-яланғоч суратини илова қилди.

“Le Point” журналининг 30 май кунги сониди босилган “Ўзбек маликаси ва диктатор” сарлавхали мақолада Каримова хушбичим қоматли поп кўшиқчи, стилист ва айни пайтда «қаттол диктатор» отасининг вориси бўлишга тиришаётган ва йирик молия орттириш йўлида отасининг мавқеидан фойдаланаётган шахс сифатида таърифланади.

У олмос тақинчоқларга бурканган ярим-яланғоч танасини намойиш қилишдан тортинмайди.

«Ўзининг шиширилган лаблари билан, одамларга гўзаллигини намаён этаётганига ишонади. У яқинда Россия фуқаролигини олган француз актёри Жерар Депардьё билан ўзининг сўнгги «Небо молчит» деб номланган кўшиғига клипга тушди. Лекин, клипдаги ҳатти-харакатлари ва унинг ижросидаги кўшиқ сўзлари маъносиз».

Аксари мусулмон бўлган 30 миллионлик аҳолига эга Ўзбекистон президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримовага “Le Point” журналида ана шундай таъриф берилади.

«Ўзбекистон сайёҳлар учун тарихий обидаларга бой жаннатмакон ўлкадир, лекин, режим муҳолифлари учун у ер жаҳаннам. 2005 йилда Гулнора Каримованинг қонхўр отаси Андижонда исломчилар наймойишини бостиришга буйруқ берди, оқибатда мингга яқин одам, жумладан ёш бола ва аёллар нобуд бўлди», деб ёзади мақола муаллифи.

Ҳозир Каримовнинг ёши бир жойга етиб қолган. Лондонда яшовчи журналист Шохидат Тўлаганова “Le Point” журнали мухбири билан суҳбатда Гулнора Каримовани отасидан ҳам ёмонроқ шахс, дея таърифлайди.

Тўлаганова Озодлик билан суҳбатда ҳам бу фикрларини тақрорлади.

- Каримов эски коммунистик мактабидан чиққан одам. Унда дисциплина, деган нарса бор. Каримовада шу нарса йўқ. Унинг ҳаракатларини аввалдан билиш қийин. Шунақа одам ҳокимиятга келса, давлатдан ҳеч нарса қолмайди, дейди Тўлаганова.

“Le Point” журналининг яна ёзишича, «Гулнора Каримованинг собиқ эри америкалик ўзбек Мансур Максудий рафикасининг Исломга зид қилиқлари, жумладан номаҳрам эркак тан кўриқчилари кўз ўнгида ярим-яланғоч ховузда чўмилгани ҳақида шикоят қилиб келган».

Ўзбекистонда “Кока-кола”ни идишга қуйиш билан шуғулланиб келган эри Мансур Максудий билан 2001 йилда ажрашганидан сўнг Каримова Нью Жерси суди қарорига зид тарзда фарзандларини эридан тортиб олди, эрига тегишли бўлган Ўзбекистондаги ширкатлар ёпилди.

Максудий билан ажрашганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келган Каримованинг бизнес доиралардаги таъсири кенгайди.

Ўшанда нуфузли “Файненшл таймс” газетаси Гулнора Каримованинг отаси мавқеидан фойдаланиб, қисқа давр ичида Ўзбекистондаги етакчи мобил телефон ширкатидан тортиб, мамлакатдаги энг йирик цемент заводидидаги улушлари эвазига кенг қамровли бизнес империясини яратишга муваффақ бўлгани ҳақида ёзган эди.

Узоқ йиллар Гулнора Каримованинг молиявий директори бўлиб ишлаган Фарход Иноғомбоев президент қизининг ноқонуний орттирган бойликлари ҳақида далилий ҳужжатларни тақдим қилган.

Яқинда эса Ўзбекистон президентининг тўнғичи Teliasoneга уяли телефон ширкатига кўп миллион долларлик ҳақ эвазига муҳофаза таклиф қилингани ва Teliasoneгадан Гулнора Каримованинг хайрия тadbирларига ҳомийлик талаб қилингани билан боғлиқ жанжал марказида кўринди.

Бугунги кунда Гулнора Каримова Ўзбекистоннинг БМТдаги элчиси. Лекин, унинг Женевадаги иш жойида кўринмай қолганига бир йилдан ошди.

Ўзбекистон президенти қизининг очик-сочик суратларига аксар аҳолиси мусулмонлардан иборат мамлакатда тоқат билан қарайдиганлар кам.

Зеро, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида апрел ойида бўлиб ўтган йиғинда ўзбек қизларини Интернет ва мобил телефонлар орқали келаётган беҳаё тасвирлардан ҳимоя қилиш масаласи кўрилган.

Ҳозир Ўзбекистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қизларни оммавий маданият хуружидан ҳимоя қилиш мақсадида “Қизлар жамият ва миллат келажиги” мавзусида махсус тadbирлар ўтказилмоқда.



ТУШМИДИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ?

Эрта тонгда ажойиб туш кўрибман. Хонадоним эшигини эрта тонгдан кимлардир тақиллатди, чиқсам бир йигит ҳамда қиз турибди.

Булар 18-19 ёшлардаги ёшлар эди. Улар мени жуда узоқ вақтдан бери қидириб сарсон бўлишгани ва энди топиб келишганини айтиб росс хурсанд бўлишарди, мен эса ҳайронман.

«Озод бўламиз яқинда, жуда оз қолди. Биз билан юринг энди, бошқалар ҳам кутиб туришибди сизни» — дея ҳоли жонимга қўймай мени олиб кетишди.

Машина ойнасидан қараб бо-равердим. Негадир кўчаларда одамлар олдингидек эмасди, улар кўчаларда тўпланган ва одамларни бир-бирларига қақаришарди. Мен шунда ҳам нима бўлаётганини англамадим. Биз бир узоқ ерга бориб тўхтадик. Одам жуда кўп ва улар менга ҳаммалари таниш эди.

Улардан «Нега бундай ишлар бўлаяпти», деб сўрадим, улар «Ахир шунча курашиб келдик-ку, мана натижаси бўлмоқда» дейишди.

Бирдан сергак торттим, ҳар вақт одамлар қириб ташланишидан хавотир ола бошладим. Мени юзимдаги хавотирни пайқашди шеклли «Деярли биз Озодмиз, жуда оз қолди. Жуда кўп жойларни Давлат ходимлари ташлаб қочишди» дейишди. Атрофга боқдим, одамлар турли шаклда ҳайқариб бақаришарди. Беҳад зулм устидан ғалаба қозонилганини кўриб шодланардим. Одамлар бир бирларини бошқача қутлашарди. Негадир ҳамма жуда ҳам иноқ ва бир эди. Одамлар орасида қон тўкилган холатларни қидира бошладим аммо ҳеч қайерда қон изи ёки ўлим холатларини кўрмадим.

Билдимки халқ жангсиз ғолиб эди. Бу алабатта хуш хабар тушдир. Сизларга бу тушнинг гаштини туйиш имкони йўқ бўлсада бунинг ҳақиқатга айланиши ҳақида идрок бордир, деб ўйлайман...

odnoklassniki.ru/group

Адолатга бир қадам

ҚЎҚОНЛИК АЁЛЛАРДАН БОШЯЛАНГ ЮРИШ ТАЛАБ ҚИЛИНМОҚДА

Қўқон шаҳрида яшовчи рўмолли аёлларга агар рўмолларини ечмаса ёки айтилганидек ўрамаса, болаларига бериладиган нафақа пуллари тўхтатилишидан таҳдид қилинди.

“Бошяланг юринглар”, “Рўмолингни ечмасанг, нафақа пули ололмайсан” каби таҳдидларни қўқонлик аёллар деярли ҳар куни эшитяпти.

Бу ҳақда Озодликка Қўқоннинг 23-маҳалласида яшовчи бир йигит хабар қилди.

“Онам билан холам рўмол ўрайди. Яқинда маҳалла раислари иккаласини ҳам чакириб, агар рўмолларингизни ечмасангизлар, болаларингизга бериладиган пособие пулини бермайсиз, дейишди. Маҳалладаги бошқа ўранган аёлларга ҳам шундай гап айтилган”, деди исмини ошкор қилмаётганимиз қўқонлик йигит.

Қўқон шаҳар 23-маҳалла қўмитаси фаолларидан бири Дилором Каримова Озодлик мухбири билан ўзаро суҳбатда рўмолли аёллар, рўмолларини ечмаса ёки айтилганидек ўрамаса, бола учун бериладиган нафақа пулидан маҳрум қилинишдан огоҳлантирилганини тан олди.

“Пул бермаймиз, деганмиз. Рўмолни орқадан ўраб қўйинглар, бўлмаса нафақани бермаймиз деб, жиндай

чўчитиш маъносида гапирганмиз. Энди ўранмасин деб, айтганмиз бу гапни”, деди Дилором Каримова Озодлик билан ўзаро суҳбатда.

Унинг айтишича, маҳалладаги ўранган аёллар орасида диний уламо-ларни жалб қилган ҳолда жуда фаол ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

“Биз аёллар билан бу борада жуда қаттиқ турибмиз. Уларни тез-тез чакириб гаплашяпмиз. “Рўмолларингизни орқадан ўранглар, иложи бўлса бошяланг юринглар”, деб гапирамиз. Тадбирлар ўтказамиз. Ўтган жума куни 5-мактабда тадбир бўлди. Унга имом, маҳалла жамғармасидан вакиллар, замҳоким келди. Ҳаммалари аёлларга гапириб, тушунтиришди. Бозорга бориб ҳам рўмол ўрамаслик борасида тушунтириш ишлари қилинди”, деди Дилором Каримова.

Фаолнинг айтишича, Қўқон шаҳар 23-маҳалласида 3000дан ортиқ киши яшайди, уларнинг 1000 нафари вояга етган хотин-қизлардир.

«Амалга оширилган тадбирлар натижасида маҳалла аёлларининг 70 фоизи ўранмаслигига эришдик», дейди яна Дилором Каримова.

“Ҳозир аёлларимиз бола пулини олиш учун чиққан пайти ёки маҳалла мажлисларига келган пайти бошяланг



ёки рўмолини орқадан ўраб чиқишяпти. Лекин қария аёллар орасида ўранганлар бор. Энди уларга сўзимиз ўтмайди. Лекин маҳалламизда умуман қорага ўранган аёллар қолмаган”, деди Дилором Каримова Озодлик билан ўзаро суҳбатда.

Ўзбекистонда кейинги 4-5 йил давомида рўмолли аёлларга қарши кенг қўламли тадбирлар амалга оширилаётгани кузатилмоқда.

Дастлаб давлат идораларида ишловчи аёлларга рўмолларини ечиш талаби қўйилди. Кейин ушбу тақиқ мамлакат бозорларига кўчди.

2010 йилдан бошлаб ўқувчи қизларга рўмол ўраш мутлақо тақиқланди.

Бугунги кунда мамлакат олийгоҳларининг талаба қизларига ҳам рўмол ўраш тақиқланган.

ozodlik.org

ОТАСИЗ СИҢФ

Синфимизда 40 нафар ўқувчи бор. Шулардан 39 тасининг отаси йўқ. Синфдошларим орасида ота ҳақида деярли суҳбат бўлмайди. Лекин худди мени қийнаётгандек уларни ҳам бир савол қийнаса керак: “Отам қанақа эди?”. Бу савол билан эса баҳсга чиқиб бўлмайди.

Баъзида ойимдан: “Ойи, отам қанақа эди?” деб сўрасам, улар отам ҳақида айрим нарсаларни гапирдилар. Шунда ойим ниманидир чайнаб мазасини шимиб тўппасини менинг оғзимга солаётганга ўхшайди. Ҳечам, ҳечам бу жавобнинг мазасини сезмайман. Мен отамни кўришим керак. Ушандагина саволимнинг жавобини мазасини шимиб туярдим.

Хуллас, агар бир ҳикояга иккита ном қўйиш мумкин бўлганда, мен ҳикоячамга “Отасиз синф” ва “Денис” деб сарлавҳа қўйган бўлар эдим.

Баъзан катта йўлларда машина босиб, эзиб кетган мушукни-ми, кучукни-ми ўлигига тасодифан кўзим тушиб қолса, касал бўлиб қоламан. Эзилишни тасаввуримга сиғдираверганимдан. Ҳар кун эрталаб синфга кириб келар эканман, Денисга кўзим тушибоқ яна тасаввурим эзилиш билан лим-лим тўлиб қолади. Дениснинг отаси ўзек онаси рус. Дима исмли укаси ҳам бор. Ўзининг айтишича отаси рус хотинга уйланиши учун отасининг қариндошлари уларни қабул қилмас экан.

У отасини бир аввал бир марта кўрган, ўшанда отаси унга икки юз сўм пул берган экан. Денис шу пул билан икки ой мақтаниб юрди. Онаси Кореяга ишлагани кетган. У укаси билан Алиса холасиникида яшайди. Яқин яқингача биз тета Алисани Дениснинг холаси деб ўйлар эдик. Аммо у бир кун синфимизга кириб келди, Дениснинг ёқасидан тутиб, бошини деворга ургач, билдикки, у холаси эмас, энагаси экан.

Энага эрталаб бир бурда бўлка билан мактабга жўнатади. Шу билан кечкурун овқатланишади. Энг оғир ишларни унга қилдиради. Уч ой аввал ойиси Кореядан бир мартагина телефон қилган, отасини бир ой аввал бир зумгина кўрган. Ҳечам қорни тўйиб овқат емаган, декабр келди ҳамки иссиқ кийими йўқ. Спорт кийимида мактабга келади. Шимининг тиззалари коптоқдек қотиб шишиб кетган кўп кийилгани ва кирлигидан. У очлигидан ўттиз тўққиз қўлга бир-бир қараб чиқади, бир оғиз ҳам ўзбекча сўз билмайди. Мен буларнинг бари-ни ўқитувчимиз у билан гаплашганда билиб олганман, чунки у менинг партадошим.

Денис ҳақида ойимга гапириб берганимда ойим йиғладилар. Кейин Денис бизнинг оиламизнинг сиртқи аъзосига айланди. Гуё ойимни мен синглим ва укамдан бошқа

яна бир боласи бордек қайғулар эдилар. Кечкурун ҳаммамиз ўқиш ва машғулотлардан бўшаб, уйда дастурхон бошида йиғилганимизда, ойим бизга яна битта боласи бордек, у уйга қайтмагандек, қоронғида, оч-юпун кўчада қолиб кетгандек ҳис қиляпман ўзимни дер эди. Биз укам билан Денисни энагасига билдирмай унга егуликлар олиб чиқар эдик. Энди мен тушлик учун икки карра кўпроқ пул ё егулик олиб кетар эдим мактабга. Ҳар куни дарсга кечикиб келади Денис нон учун вақтли келиб мени кутиб ўтирар эди. Аввалига у бу нарсаларни мендан олаётганида роса хижолат чекди. Лекин ордан бир ой ўтиб у мендан очиқчасига пул талаб қилишга ўтди. Бирор бир егулик олиб бормаган куним ухатто мен билан уришиб, баъзида қўл кўтарарди ҳам. Яқинда унинг ойиси Кореядан қайтиб келди. Энди у чиройли қизларга қиммат шоколад совға қиляпти. Мен эса йўлларда машиналар эзиб босиб кетган мушук ва кучукларнинг ўликлари ҳақида кам ўйлайман. Инсонлар ҳақида эса кўп айниқса ота ҳақида.

Бугун мактабга кетаётганимда икки ярим яшарлик синглим тишлаб ташланган печенеларни сумкамга солди “опа, Денисга беринг”, дея.

Афсуски уларни ўзим еб қўйдим.

Хадиха Ясийн
7-синф ўқувчиси



ДАВЛАТЛАР НЕГА УРУШАДИЛАР?

Давлат нима деган саволнинг аниқ жавоби йўқлиги маълум. Давлат тушунчаси нисбий тушунча бўлишига қарамай, у аниқ куч қудрат, айтиш мумкинки, бир даҳшатли жонивор сифатида ўртага чиқиши ҳам мумкин. Эски вақтларда давлатлардан кўра динлар, миллатлар ва қавмлар машҳур бўлганлар. Бизнинг замонамизда эса давлатлар машҳур ва таъсирчан кучга эгалар...

Ҳозирги вақтда давлат манфаат маъносини олган десак хато қилмаган бўламиз. Моддий ва ғоявий манфаатлар давлатларни ҳаракатга келтирган асосий кучлар ҳисобланади. Машҳур сўзга кўра қирқ дарвеш бир курпага ўраниб ухлай олиши мумкин, аммо икки подишоҳ дунёга сифмайди... Худди шундай бугунги кунда 200 га яқин давлат дунёга сифмай, ўзаро низо ва жанжалларга шўнғиб кетганликлари бир ҳақиқатдир.

Баъзи инсонлар ўз териларига сифмайдиган даражада семиришни яхши кўрадиганларидек, баъзи давлатлар ҳам ўз худудларига сифмайдиган даражада кучли бўлишни яхши кўрадилар. Шунинг учун баъзи давлатларнинг ўзлари дунёнинг бир бурчагида, манфаатлари эса иккинчи бурчагида бўлади.

Дунё шундай қурилганки, унинг марказида асосий моддий ва маънавий бойликлар ўрин олган. Сўнги асрда инсониятнинг тарақиёти табиий бойликлар ва уларни ўзлаштиришга бевосита алоқадор бўлди. Автомобиль саноати ва машинасозликка асосланган ҳарбий саноат кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ривожланди. Бу эса дунё сиёсатининг шаклланишида, тўғрироғи дунёнинг катта давлатлар тарафидан бўлиб олинишида асосий ролни ўйнади...

Бу кунларда дунёнинг энг қудратли 8 давлатининг Лондонда навбатдаги анжумани бўлиб ўтади.

Худди шунингдек, дунёнинг энг тараққий қилган 20 давлати ҳам вақти вақти билан ўз йиғилишларини ўтказадилар. Дунё давлатлари бошқа йирик ташкилотларга ҳам бирлашганлар: Европа Иттифоқи бугун мана шундай давлатлар бирлашувининг энг ёрқин мисолидир...

Сўнги 3 асрда инсоният тарақиётида моддапарастлик ва унга асосланган турли ғоялар ва тушунчалар устунлик қилди. Натижада 19 ва 20 асрда дунё миқёсида жаҳон урушлари номи берилган ва миллионларча инсонларнинг ўлими билан яқунланган даҳшатли урушлар содир бўлди. 21 асрнинг бошларига келиб, яъни ҳозирги кунда моддий дунёқараш аста секинлик билан ўз ўрнини ақидавий, яъни инсоният учун янгилик бўлмаган диний дунёқарашларга ўз ўрнини бўшатиб бера бошлади. Бундан “жони (жаҳли) чиққан” давлатлар яна қиличларини қинидан чиқардилар. Шу тарзда 20 асрнинг иккинчи ярмида ҳукмрон сурган “совуқ уруш” иссиқ урушларга айланиб кетди...

Афғонистон ва Ироқни ғарбликларнинг ишғоли натижасида миллионларча кишилар ўлдирдилар. АҚШнинг собиқ президенти ўғил Буш бу урушларни янги салб юришлари, дея атаганди. Англия собиқ Бош Вазири Тони Блайр эса ўз давлатининг Ироқни ишғол қилишда қатнашишига сабаб қилиб диний ҳисларини кўрсатганди.

Демак, давлатлар бир маънода инсонлар ва уларнинг ташкилотлари у ёки бу сабаб билан юзларига таққан маскаларга ўхшайди. Чунки давлат манфаати дейилганда аслида инсонлар жамоаларининг, яъни миллатлар ва қавмларнинг миллий, эътиқодий ва моддий манфаатларининг мажмуаси тушунилади.

Давлатлар манфаатлари ушбу манфаатлар устига кийдирилган ёки тақилган маскалардир. Бу маскаларни давлатларни бошқараётганлар ўзлари истаган рангларга бўяшлари ва бу билан аслида чиркин бўлган юзларини, бир биридан чиройлироқ қилиб кўрсатишга уринишлари мумкин. Яъни, баъзи сиёсатчилар ўзлари, халқлари ёки давлатлари номидан гапириб, ҳаммани инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, дунёда адолатни ўрнатишга, табиатни муҳофаза қилишга, халқаро ҳуқуқларга амал қилишга чақиришлари мумкин. Бу чақириқлар давлатлар таққан маскалардан жуда оҳанграбо жананга бўлади.

Баъзилар бундай чақириқ ва баёнотларга лаққа тушишлари ҳам мумкин. Масаланинг муҳим томони давлатларнинг юзларидаги бу “маскаларни” тушуриб, уларнинг ҳақиқий башараларини очиб ташлаш унчалик қулай бўлмаган бир иш эканлигидир. Шу тарзда дунёда ким золиму ким олимлигини пайқаб олиш қийинлашиб бораверади. Эътибор берилса давлатнинг ўзи мавҳум нарса, бунинг устига унинг юзига “маска” ўраладиган бўлса, ҳақиқатни тушуниб етиш нақадар қийинлиги ўз ўзидан маълум бўлади...

Бугун давлатлар худди кўча безорилари (хулиганлари) каби ўзаро урушларни давом эттирмақдалар. Бу урушлар ғоявий (ақидавий) кураш, моддий манфаатларни кўпроқ қўлга киритиш, бу йўлда бир бирларига сиёсий ва иқтисодий зарбалар бериш, бир бирларини учинчи давлатларга қарши гиж гижлаш, аҳдларига хиёнат қилиш, турли фитналар чиқариш, истиҳборат (разведка) урушлари, хужум қилиш билан кўрқитиш ва шунга ўхшаш шаклларда давом этмоқда.

Дунё кўчаларининг “безориларига” айланган бу давлатларни инсофга чақирадиганлар ҳам албатта йўқ эмас. Юзларига турли туман “маскалар” таққан ушбу “безорларнинг” таъзирини бериб қўйишни истайдиганлар ҳам албатта йўқ эмас. Демак, ҳозирги кунда жиповланиши мумкин эмасдек кўринаётган жанжалкаш давлатларнинг бир кун келиб юзларидан маскалари туширилади. Инсоният шу тарзда ўзини оловли урушларга бошлаган бадбахт башараларни таниб олади. Чунки ҳаёт доимо ҳақ ботил, адолат ва зулмнинг курашидан иборат бўлган. Ниҳойи ғалаба эса ҳақ ва адолатнинг ғалабаси эканлигига асло шубҳа қилмаслигимиз керак.

МУСЛИМА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Ушу бўйича 14 ёшли жаҳон чемпиони туркиялик Зайнаб Оқюз Би-би-си Ўзбек Хизмати билан суҳбатида Оврўпо чемпионатини нега буткул бойкот қилгани сабабини ана шундай изоҳлади.

Ҳижобда беллашгани учун Зайнабнинг шу йил апрел ойида Руминияда бўлиб ўтган Оврўпо биринчилигида қайд этган натижалари инobatга олинмаган ва у қайтиб бу турнирда иштирок этмаслигини эълон қилганди.

«Мен Оврўпо чемпиони бўлишим керак эди. Чунки ўшанда 950 очко қозонгандим. Бироқ ҳакамлар менинг натижамни эълон қилишмади. Бош ҳакам бошқаларидан берган очқоларини бекор қилишларини сўради», дейди туркиялик ёш чемпион.

Зайнаб Оқюз нафақат ўзи, балки опаси ҳам ҳижобда беллашиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритгани, Оврўпо чемпионатида ўзи билан юз берган ҳодиса — инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши эканини таъкидлайди.

Унинг айтишича, айнан ҳижоби сабаб аввалига ўзининг Оврўпо биринчилигида қатнашишига умуман рухсат этилмаган.

Аммо Туркия Ушу Федерациясининг шикоят ортидан, Зайнаб Оқюзга қўйилган тақиқ бекор қилинган.

Зайнабнинг Би-би-си Ўзбек Хизматида айтишича, ҳакамларнинг қарори ортидан, ҳалиям Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича Оврўпо маҳкамасига шикоят этиш аҳдида қатъий.

Туркиялик ёш спортчиға кўра, Оврўпо Ушу Федерацияси томонидан унинг инсоний ҳуқуқлари поймол этилган.

«Ҳозир менинг ишимни Туркия парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ҳайъати кўриб чиқаяпти. Улар бир хулосага келишгач, шунга қараб иш тутамиз. Бу энди менинг шахсий муаммо эмас, балки давлат аҳамиятига молик масала», дейди у.

«Ўз ҳуқуқим учун охиригача курашман»

Зайнаб Оқюзнинг таъкидлашича, муслима спортчи сифатида ўз ҳуқуқларининг ҳимояси йўлида охиригача курашмоқчи.

«Мен Руминияда Оврўпо чемпиони бўлишим керак эди. Мен ҳаммадан кўп балл тўплагандим. Бироқ улар ҳижобим туфайли мени бир тийинга чиқаришди. Мен ўзимни таҳқирланган ҳис қилдим. Ҳафсалам пир бўлди.

Эътиқодим туфайли улар менга бундай муносабат қилмасликлари лозим эди. Мен Оврўпо чемпионатида қаттиқ тайёрланган, кунига етти соатлаб машқ қилган эдим».

«Мақсадим — қандай бўлишдан қатъиназар, барча мусобақаларда ҳижобда қатнашиш ва беллашишга эришиш», дейди Зайнаб.

«Агар бунга муваффақ бўлолмасам ҳам, фожеа эмас. Чунки жаҳон чемпиониман. Оврўпо биринчилигида кўзим учиб тургани йўқ. Катта спортдаги ўз карьерамни давом эттиравераман. Аммо, агар ҳижобда қатнашимга изн беришса, қайта, қайта чемпион бўламан».

Зайнаб Оқюзнинг таъкидлашича, ҳижоби сабаб, Оврўпо чемпионатини бойкот қилиш қароридан бир кун келиб пушаймон бўлиши эҳтимоли ўзини хавотирга олмайди.

«Йўқ, асло пушаймон бўлмайман. Мен ҳеч кимни эътиқодига қараб ҳукм этмайман, бошқаларнинг ҳам менга нисбатан бундай йўл тутишларини ис-тамайман. Мен учун аввал эътиқод, кейин спорт туради».

Зайнаб Оқюз ҳозир машғулотлари, таҳсили ва тил ўрганиш билан банд экани, спортчи сифатида олдига қўйган мақсади — ушу бўйича Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлиш эканини айтиди.

Нега айнан ушу билан шуғулланиш қарорига келганини эса, Зайнаб ушбу спорт турининг ниҳоятда гўзал экани, жисмоний ва руҳий саломатлик учун жуда фойдали экани билан изоҳлайди.

Туркиялик ёш спортчи бўш вақтларида яна каратэ, баскетбол, волейбол, бадминтон ва сузиш билан шуғулланиши, аммо ушу ўғил бўладими ёки қиз, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир инсон учун жуда боп спорт тури эканини алоҳида таъкидлайди.

Спорт ва ҳижоб

Спорт оламида муслима спортчиларнинг ҳижоблари билан боғлиқ можаролар илк бор кузатилаётгани йўқ.

Утган йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Африка Футбол Конфедерацияси ва Осиё Футбол Конфедерациясининг такрорий уринишлари ортидан, ФИФА муслима футболчиларнинг ҳижобларига қўйилган тақиқни бекор қилишга мажбур бўлганди.

2007 йилдан буён жароҳат олишлари хавфи борлиги айтилиб, ФИФА (Халқаро Футбол Уюшмаси) томонидан муслима футболчиларнинг ҳижобда майдонга тушишлари ман этиб қўйилганди.

Ушбу амал танқидчиларига кўра, мазкур тақиқ дунёдаги энг оммабоп спорт ўйинида нотенгликнинг олий даражада тарғиб этилишига йўл очган.

Тақиқнинг бекор қилиниши эса, минглаб муслима футболчиларнинг яна катта майдонларда тўп суришларига имкон берган.



ОЁҒИНГ ҚАЛТИРАСА, МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАДА ЎЙНАМА!

Ман бир нарсага ҳайронман: доим ютказасан ёки кимдир яхши ўйнолмасан, жамоа ўйинини бузиб қўйсан, ўз дарвозасига гол уриб қўйсан, кўпол хато қилсан дарров адвокатлар кўпайиб кетади: Э, ҳаммадаям бўп туради, бу футбол, у ҳам одам, ҳеч ким хатодан сугурталанмаган, ҳаммамиз хато қиламиз, уни ҳам тушуниш керак, шундоқ ҳам босим остида, унга ҳозир ҳар доимгидан кўра ёрдам керак, уни руҳан қўллаб-қувватлайлик, бечора синиб қолмасин ва х.к.

Э онасини... ман асабийлашиб тамом бўлмадимми? Санчи? У-чи? Миллионлаб ўзбек халқининг қорақўзлари шу футболни, шу жамоани, шу орзуларни деб кўз ёш тўқмадимми, сиқилмадимми? Ўша хато қилган футболчи ёки мураббийда асаб, кўнгил йўқми? Бизнинг кўнглимиз синиб, яримта бўлиб қолаверсан, майлими?

Мураббийликка келдингми, футболчи бўлдингми, бажар ишингни сидқидилдан.

Бировни чўнтагига қараш эмас, аммо сан олаётган пулларни йиғиштириб келсан бутун бир кишлокни ойлаб бокс бўлади-ку!

Ўрис, корейс, козокни ерида совуқда дилдираб қурилишда ишлаётган қорақўзлар қанча!

Аҳли оиласини йиллаб кўрмасдан ўзга юртда саргардонлар қанча. Ойлиги ҳеч нарсага етмай уйда бир тишлам гўшти йўқ камхаржлар қанча. Ҳаммаси телеви-зорга термулиб ўтирибди-ку сан нотагонлардан ғалаба кутиб. Уларнинг фаровонлиги ўша бир кило гўшт ёки сарёғдамас, санларни Мундиалда кўриш бахтида-ку!

Шулар учун ўйнаб бер! Шулар учун хато қилма! Шулар учун ғалаба қозон!

Кўрмоқ бўлсанг мураббий бўлма! Оёғинг қалтирасан миллий терма жамоада ўйнама! Орият борми ўзи санларда??? Ҳали иқлим, ҳали жароҳат, ҳали клубдаги муаммо, ҳали руҳиятни пешкаш қиласанлар. Бу нима деган гап???

30 миллион одамнинг солиқ тўловларидан маош оласанлар. Ҳаммангнинг тагинда қимматбаҳо машина, виллаларда яшайсанлар, яхшироқ ўйнаб, гол уришга келганда баҳона қиласанларми?

Сизчи, жаноб коуч, терма жамоа шахсий томоркан эмас дейсизу, лекин тактика, таркиб борасида ўз билганингиздан қолмайсиз. А бу кўрмоқ тактика, аҳмоқона бир хилликдан ҳамма зерикди-ку! Журналист сизга юрак ютиб шу ҳақда савол берсан уни устидан қуласиз.

Бу қанака муносабат? Э, қўйларинг-э! Садқаи...!

МУХТАВО

1. САНЪАТГА ТААЛУҚЛИ ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳнинг шеър ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага қўйган бир поэтикаси йўқ, аммо баъзи шеър ва мақолаларида сочилган фикрларда бу бахсга доир кўришларини ифода этгандир. Бу бўлимда ўша кўришларнинг тасбитини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Шоир 1981 йилда қаламга олган “Соддалик жозибаси” номли мақоласида шеърнинг манбаи ва моҳиятини шундай изоҳ этади: “Ҳар бир шеър бахтиёрлик туйғусидан, қувончдан, тоза бир ҳиссиётдан бошланади...” Ҳар шеър бахтиёрлик туйғусидан бошланадими? Йўқ. Энди кутиш туйғуси пайдо бўлди.



МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Муқаддас бир нарсани кутиш туйғуси. Муқаддас бир нарсани кутиш ҳисси уфуро бошлади. Кутиш жозибаси... Шеър доим сирдош, шоирни имлаётган гўзал – сир томон ташланган қадам, руҳга саёҳатдан бошланади. Яна адашдикми, йўқми? Шеър изтиробдан ҳам бошланади-ку! Бу ҳам нотўғри. Шеър ҳаммасидан – ўша саналганларнинг бирданига ҳаммасидан бошланади. Чин шоирнинг қувончи дарди билан, дарди қувончи билан йўғрилгандир. Уни “бахтиёрларча енгилтаксан” деб айблаб бўлмайди – уни “ҳаддан ташқари маҳзунсан”, деб қоралаш ҳам маънавий адолатсизликдир. У қувончини биздан яхшироқ билгани учун ҳам шоирдир. Изтиробнинг теранликларини кўргани учун ҳам биз уни ҳурмат қиламиз...”

“...чунки шеър ҳақиқий маънода бир портлаш демақдир. Шеър – портлаш яраёнининг қоғоздаги сурати. Шеърдаги мантиқ сиз билан бизга эмас, ўша мантиққа бўйсунди.” (Қаранг: “Соддадиллик ёзибаси”, Кўзи тийран дард, 1990, саҳифа 59-62).

Муҳаммад Солиҳнинг бу ифодаларида билҳосса шеърнинг манбаи ўлароқ зикр этгани “кутиш туйғуси” диққатга моликдир. “Кутиш” Солиҳнинг шеър дунёсининг марказини ташкил этган муҳим унсур. Унинг кўпчилиги шеърда эртага (келаякка) оид фикрларини қаламга оларкан (“Кутаман”, “Эртага” каби шеърлар), шоирнинг ҳақиқатан ҳам кутиш ёзибасига асир бўлганини кўрамыз. “Кутаман” шеърда Солиҳ бошқаларнинг кутганидан бошқа нарсаларни кутади, яъни: “Кутилмаган нарсаларни кутиб ётаман” дейди. Одатда ҳеч умид қилинмаган нарсаларни кутиши бу “жозоба”нинг нақадар шиддатли эканини кўрсатади.

Кутиш – ҳаётдан келган мамнуният-сизликлар сабабли ҳолдан (бугундан) истиқболга илтижо этмақдир.

Шоир “Эртага” номли шеърда бу тушунчасини жуда аниқ шаклда ўртага қўяди:

ЭРТАГА

*Эртага шубҳасиз бахтли бўламыз
Бугун ўлмасак.
Эртага орзуну қувиб этамыз
Бугун чополмасак.
Эртага*

*Қувонч улашамиз ҳаммага
Агар уни бугун тополмас.
Шоир қуйламайди*

ғамгин қуйларни

Эртага.

Ҳаётдан шикоят деярли бутун шоирларда бор. Бугунгисидан яхшироқ турмушга эришмоқ орзуси бутун шоирларнинг муштарак орзусидир. Лекин Совет режимида яшаган бир шоир бўлиши Муҳаммад Солиҳни бошқалардан айлантиради. Муҳаммад Солиҳ илк шеърларини 1970 йилларда ёзиб, нашр эттирган. Ўлкаси ишғол остида бўлган бир шоирнинг фикрий турғунлик замонида, сўз эркинлиги йўқ бир замонда, сензура замонида ўз умидларини истиқболга томон ташлаб, юришда давом этиши албатта, уни бу ҳолатда яшамаган шоирлардан ажратиб туради.

Муҳаммад Солиҳ:

Жаҳонда хонтахта деган Кенглик бор, Дунёда Эрк бордир шеърият деган... мисралари билан шеър санъати, туйғу ва фикрларини ифода этувчи ягона восита эканини эълон қилади. Тўрт тарафидан ўралган бир ҳаёт ичида қолган шоир Туркистон исмли ватан жўроғиясининг бепоёнлигига қарамай, шоир ёзадиган кичик хонтахтаси худудида ҳаракат қилишга маҳкум этилгандир.

Ҳуррият фақат шеърнинг худуди ичида танаффус эта билмақдадир. Шоир хонтахта ёни ва бўйи ичидаги ҳурриятни тасвирламоқдадир. Ҳолбуки, шеър Оллоҳнинг бир лутфидир. Шоир ўзининг “Бошоқдай мухтасар” исмли манзумасида шеърнинг орқасига шундай тушади:

*Бошоқдай мухтасар,
Дон каби кичик,
Бир шеър, бир асар,
Оллоҳим, бер-чи.
Кўп эмас, битта,
То кичик қизнинг
Булбулдай митти
Кафтига сиғсин!*

Муҳаммад Солиҳ излаган шеърини бу мисраларида очиқ тасвирлайди. Шеър дон каби кичик, аммо бошоқдай мухтасар бўлиши, яшаган ҳаётининг тўла акс-тасвирини ўзида ташмиоғи керак. Шоир шеърларидаги ҳаёт бутун қирралари билан акс этмоқдадир.

Муҳаммад Солиҳ санъаткорнинг ўз виждони олдидаги маъсулиятини қадрлайди. Бир фикрни ҳаммага тенг эшиттиришга интилиш санъаткорлик ҳисобланмаслигини айтади ва плакат билан минатюра ўртасидаги фарқни тушунтиради.

Санъат тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бир ёзувида санъаткорнинг оломон иродасига бўйсунмаслиги лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий шеър “тушунарли бўлиши учун ўз чўққисидан пастга тушмаслиги” керак. Аксинча, ўқувчининг ўзи у чўққига чиқмоқ учун ғайрат кўрсатиши лозим, дейди шоир. Яна у “бир пайтлар шоирларнинг авлиёлар билан мусобақа қилгани”ни ёзади.

Муҳаммад Солиҳ 1980 йилда ёзган бир шеърда шундай дейди:

ШОИР

*Тамаки ҳидидан туғулган девор,
Меҳмондан чарчаган дастурхон,
Унда олмаларнинг қолдиғи,
Ғийбатлар қолдиғи ётибди.
Курсида ўтирар кўзлари ботиқ,
Сочлари оқариб кетган қуш.
Сайрашни унутган,
Бизнинг тилимизга ўтиб олган у.
Бизнинг тилимизда*

гапирган кун

Сочлари оқариб қолган қуш.

Муҳаммад Солиҳ бу мисраларда шоирнинг ҳис, хаёл, фикр нуқтаи назаридан бошқа одамлардан фарқли бир шахсият эканлигини билдирди. Бу шеърда шоир инсонларнинг тилида гаплашган кун сочлари оқариб кетганини ёзади... Шоир “Касбимиз” шеърда ўз касби ҳақида яхши сўйласа ҳам, ёмон сўйласа ҳам шоирнинг касби сўз сўйламақдир дейди:

*Яхшими, ёмонми,
касбимиз - сўздир,
Биз айтган сўздан
тош эримаса ҳам.*

*Чиқиб кетмаса ҳам илон инидан,
Бу касбдан тонмаймиз бари бир.
Девор пайдо бўлса рўпарамизда
Унга ҳам бошларни урмаймиз -
Иш шу бўлгандан сўнг,*

гапирамиз-да,

*Сўзлайман деворга,
қараб турмаймиз.*

Шоир “Одам” номли шеърда ҳаётининг, нафақат ҳаёти, ҳатто бутун борлигининг сўздан иборат эканини тан олади:

Қарғиш тегмас, тегмас менга кўз
Чунки йўқман – шаффофдир танним...
Отам, онам, севгилим ҳам - сўз,
Фикр, оний фикр - ватаним!
“Шоир халқи” номли мансурасида эса шоирларнинг бир миллат эканини сўйлайди:

Шоирнинг отаси камбағал,
Онаси касалванд.
Шоирнинг хотини йўқ, болалари кўп.
Шоирнинг ҳаёти Машрикда ҳам,
Мағрибда ҳам бир хил.
Шоир халқи – дунёнинг тўрт тарафига
сочилиб кетган миллат!

Шуъайб Қорақош (Туркия)

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Аллергия

Табиатда миллионлаб табиий аллергенлар мавжуд. Бунга биноан, инсон танасида ҳар бир аллергенга қарши иммунитет тизими антиген (antikog) яратилган.

Антигенлар пасив ҳолатда бўлиб, аллергенлар билан қаршилашганда танани мудофаа қилишади.

Аллергия - иммунитет тизимининг аллергенга берган реакциясидир.

Уйдаги чанглар, моғор кўзикоринлари, ковок, ит, қуш патлари, пенисилин каби дорилар, эмлашлар, кир порошоклари, кир ҳаво, турли кимёвий моддалар, дехқончилик дорилари, тайёр таомларнинг кўшимча моддалари каби моддалар аллергик хусусиятли хисобланади.

Сунъий ем билан озикланган сигир сути, сут кукуни, сунъий озикланган товуклар тухуми, тухум кукуни, туриб қолган тухум, ҳовузда етиштирилган GM балиқлар ва GM маҳсулотлари аллергияга энг кўп сабаб бўлган озукалардир.

Тайёр таомлардаги ранг берувчи, куруклигини оширувчи, ширинлаштирувчи, аромат ва сакловчи кимёвий кўшимча моддалар, аллергик натижалар билан бирга жуда кўп касаллик ва саратонга олиб боради.

Аллергик касалликлар орасида энг кўп учраганлар - астма, синусит, бурун полиплари, бурун ва кўзларнинг қичиши ва оқиши, баҳор тумови ("сенная лихорадка") аллергик ўрта қулоқ яллиғланиши ва эгзема каби касалликлар; таомларга, турли дори ва кимёвий моддаларга, ари ва ҳашорат дориларига боғлиқ аллергик реакциялардир.

Жойлашган жойига кўра, турли белгилар кузатилади: лаблар, тил ва томоғда - шиш, қизиш ва қичиш; юзда - қизариш; қорин оғриғи, чанқаш, ич кетиши; аксириш, бурунда - қичиш, оқиши ва тикқин; кўзда - ёшланиш, қичиш; қулоқда - қичиш, бош ва қулоқ оғриғи; нафас қисиши, йўтал, хириллаш, кўкракнинг сиқилиши; терида - қичиш ва тўкилишлар.


Бу белгиларнинг кризислар шаклида қичиши, бир муддатдан сўнгра ўз-ўзидан ўтиши ва яна такрорланиши - аллергик касалликларнинг типик хусусиятидир.

Аллергик касалликлар, технологиянинг ривожланиши, таркибида кўшимча модда бўлган таомлар ейиш, тиббий дори ва кимёвий модда ишлатишнинг ортиши, сув-ҳаво ва тупроқнинг қирланиши, уйда ҳайвон боқиш каби сабаблардан борган сайин ортмоқда.

Баҳор тумови, баҳор ойларида такрорланган, дарахт, тиканак ва ўт полеларига боғлиқ, замонавий тиббиётда давоси топилмаган аллергик реакциядир. ("Фасллар ва Соғлиқ" бўлимига қаранг.)

Қуйида айтилган аллергия курси давосида эса баҳор тумови тез йўқолади:

Анафилакси шоки: Баъзи аллергик касалликларда, анафилакси дейилган, бирданга бошланган, тахликали ва такрорланувчи, шок бухрон(кризис)лар бўлиши мумкин.



Бу антибиотик ёки ари чақиши каби аллергенлар билан алоқадан сўнг бошланган, кам учрайдиган ҳолатдир.

Юзда, лабда, тилда, томоқда шишиш, қичиш ва қавариш; қусиш, қорин оғриғи ва ич кетиши, иссиқ қичиши, терлаш, конвулсия, юрак уришининг бузилиши, иссиқнинг тушиши, нафас қисиши, хириллаш, қизариш, нафас тўхташи каби анафилаксия симптомларининг даражалари бу ҳолатга боғлиқ тарзда ўзгаради.

Оғир анафилаксия ҳолатлари кам учраса-да, бир неча дақиқа ичида ўлим билан тугаши мумкин. ("GMO", "Кўшимча моддалар", "Дорилар" бўлимларига қаранг.)

Умумий даволаш

Аллергияни даволашда асосий принцип - аллергенга сезувчанликни камайтириш ва аллерген билан алоқани узишдир.

Аллергенга сезувчанликни камайтириш учун, аввало озикланишни тартибга солиш ва умумий даволаниш керак. ("Касалликлар сабаблари", "Таом ва ичимликлар", "Дорилар" бўлимларига қаранг.)

Уй чанги, моғор кўзикоринлари, уй ҳашоратлари, мушук, ит, қуш патлари, полен, апельсин, қулупнай, сут каби табиий аллергенларга боғлиқ аллергияларда жигар тозаланиши қилиниб, аллергенга реакция (сезувчанлик) камайтирилади ёки йўқотилади.

Фақат, таомларга кўшилган GM моддали ёки синтетик кўшимча моддалар, синтетик ва кимёвий тиббий дорилар, эмлашлар, кир порошоклари ва токсик хусусиятли моддалардан умуман фойдаланмаслик лозим.

Чунки бу сунъий аллергенларга қарши иммунитет тизими албатта аллергия келтириб чиқаради. Иммунитет тизими кучли бўлса, у токсик моддаларнинг танадаги аъзо ва тизимларга аллергия билан ўтиш йўллари ёпади. Ва бу аллергия жигарни тозалаш билан йўқолмайди, аммо унинг шиддати ва тахликаси озаяди. ("Қусиш" бўлимига қаранг.)

Сигир сути қон гуруҳи - "А" ва "О" бўлганларга табиий аллерген бўлгани, уларнинг мизожига тўғри келмагани учун - сут ичмасликлари керак.

Сут кукуни эса ҳамма учун аллерген хисобланади. ("Сут" бўлимига қаранг.)

Сунъий озикланган товуклар тухуми, туриб қолган тухум ва тухум кукуни ҳам барча учун турли даражаларда аллергендир ва соғлиққа тахдиддир. Аммо табиий озикланган товукнинг янги тухуми ҳеч кимга аллерген эмас.

("Товуқ гўшти ва Тухум" бўлимига қаранг.)

Афсуски, бугун тухум ва сут учун қилинган аллергия тестида тухум кукуни ва сут кукуни масъулиятсизларча ишлатилмоқда.

Даволаниш вақтида озикланиш

Ҳар кун (очлик кунларидан ташқари):

Эрталаб (06:00-07:00): Бир стакан грейфрут ёки лимон суви, сув билан аралаштириб ичилади. 1-3 дона саримсоқ ютилади.

1-2 соат ўтиб 30-50 гр тоза зайтун ёғи + 30-50 гр лимон суви ичилади.

Очикқанда 50 гр қизил лавлаги суви + 150 гр исмалок суви (ёки 150 гр семиз ўти суви) + 50 гр қурук пиёз суви тушгача 2-4 пиёла ичилади.

Ҳар пиёла билан бирга 1-3 дона саримсоқ ютилади.

Туш таомидан ярим соат аввал 3 дона аччиқ бодом, 3 дона ширин бодом ейлади.

Туш таоми (16:00-17:00): Мизожга тўғри келадиган гўшт, балиқ ёки янги қишлоқ тухуми салат ёки сабзавот таоми билан ейлади. Таом билан бирга ёки кейин 1-5 дона саримсоқ ейлади. Саримсоқ ўрнига янги пиёз ҳам ейлиши мумкин.

Кечкурун (21:00): 1-5 дона саримсоқ ютилади ва 1 чой қошиқ газанда уруғи ёки туйилган газанда + 1/4 чой қошиқ майдаланган занжабил + 1 чой қошиқ асал аралашмаси сув билан ичилади. Ёзда бу аралашма ўрнига гилос, ўрик, янги анжир, узум ёки тарвуз - бошқалари билан аралаштирмасдан, битта ўзи - ейлади.

Газанда ҳар қандай шаклда ишлатса бўладиган, аъзоларни токсинлардан тозалайдиган, аллергик реакцияларни камайтирадиган ва бошқа жуда кўп фойдаси бўлган ўсимликдир: Унинг чойи дамланади, таом устига сепилади, ёки янги баргларида салат ёки таом қилинади. Йиллар давомида ишлатилди.

3 ҳафтада бу озикланиш давом этилиб, ҳар душанба ва пайшанба 1 кунлик очликлар тутилади.

3 ҳафта ўтиб, 3 кун очлик тутилади, 4 -нчи кун жигар тозаланади. ("1 кунлик очлик" "3 кунлик очлик" ва "Жигар тозаланиши, 3 -нчи кун", бўлимларига қаранг.)

ОЙДИН СОЛИХ

"Ҳақиқий тиббиёт" китобидан
(Давоми келгуси сонда)



"Эркин Юрт" интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош